

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**АШУРОВ УЛУҒБЕК ЭРКИНОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ  
ОЛИШ ШАКЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.15 – Криминология (юримдик фанлар)

юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)  
илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Ашуров Улуғбек Эркинович**

Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари тақомиллаштириш.....4-24

**Ашуров Улуғбек Эркинович**

Совершенствование форм и методов предупреждения преступности в Республике Узбекистан.....25-48

**Ashurov Ulug'bek Erkinovich**

Improving forms and methods of crime prevention in the Republic of Uzbekistan.....49-53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....54-55

**Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси В2021.2.PhD/Үу553 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) [www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz) сайти, «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдурасулова Қумринисо Раимкуловна**  
юримдик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тошпўлатов Ақром Иқромович**  
юримдик фанлар доктори

**Умурзақов Бегзод Атабаевич**  
юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Үу.67.01 рақамли бир марталик Илмий кенгашининг 2024 йил 17 сентябрь куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (998) 71-202-04-96).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (43-рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9-уй. Тел.: (998) 71-202-04-96).

Диссертация автореферати 2024 йил 4 сентябрь куни тарқатилди.  
(2024 йил 4 сентябрдаги 9- рақамли реестр баённомаси).

**Б.Х.Пулатов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

**М.Р.Анорбоев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш котиби, юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори

**Ф.Х.Рахимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик фанлар доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишнинг таъсирчан, инновацион усулларни қўллаш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш эмас, балки жиноят содир этилгунга қадар унинг олдини олиш механизмларини самарали қўллаш зарурати мунтазам муҳокама қилиб келинмоқда. Халқаро «Numbeo» хизмати томонидан 2023 йилда ўтказган халқаро сўровнома натижаларига кўра, жиноятчилик ва хавфсизлик индекси энг юқори давлатлар: Венесуэла, Папуа-Янги Гвинея, ЖАР, Афғонистон, Гондурас, энг куйи кўрсаткич Қатар, БАА, Тайван, Уммон ва Швейцарияда қайд этилганлиги эътироф этилган<sup>1</sup>. UNODC (БМТнинг Жиноятчилик ва гиёҳвандликка қарши кураш бошқармаси)нинг қайд этишича жиноятчиликка қарши курашишда унинг олдини олишнинг пухта чора-тадбирлари барқарор тараққиёт мақсадларига (Sustainable Development Goals) хизмат қилиш орқали жамият фаровонлиги таъминлашига ҳисса қўшади<sup>2</sup>.

Жаҳонда инсоният тинчлиги ва хавфсизлигини жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тенденциясини ўрганиш, жиноятчилик сабаблари, унга имкон берган янги шарт-шароитларнинг хусусиятларини ўрганиш, шахс хулқ-атворининг жиноятчилик билан ўзаро алоқадорлигига оид таълимот (Behavioral Law) ни ривожлантириш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, одам савдоси, терроризм, жинойий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний савдоси ва бошқа трансчегаравий жиноятлар учун жавобгарликни кучайтириш ва халқаро ҳуқуқ нормаларини такомиллаштиришнинг янги йўналиш ва истиқболларини тадқиқ этиш, жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш тобора ортиб бораётган трансмиллий уюшган жиноятчиликларнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, биргина прокуратура органлари томонидан 2023 йилда ушбу йўналишда жами 145 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари амалга оширилган бўлиб, уларнинг аксарияти меҳнат жамоалари (50921) ҳамда аҳоли яшаш жойларида (33747) ўтказилган. Таъкидлаш жоизки, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилганлиги ва юқори ижтимоий хавф туғдираётган ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, хусусий мулк ҳуқуқини бузиш, далилларни ёки тезкор-қидирув фаолияти натижаларини сохталаштириш (қалбакилаштириш) сингари янги турдаги қилмишларнинг криминализация қилинганлиги, коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий институционал асоси яратилганлиги ҳамда бу борада махсус ваколатли тузилмалар ташкил этилганлиги албатта

<sup>1</sup> [https://www.numbeo.com/crime/rankings\\_by\\_country.jsp?title=2023](https://www.numbeo.com/crime/rankings_by_country.jsp?title=2023)

<sup>2</sup> <https://www.unodc.org/unodc/en/justice-and-prison-reform/cpcj-crimeprevention-home.html>

жиноятчиликнинг олдини олишга муайян даражада хизмат қилмоқда. Бироқ фуқароларга қонунга ҳурмат ҳиссини сингдириш борасидаги механизмларнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги, алоҳида турдаги жиноятлар учун санкцияларнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва даражасига номувофиқлиги, жумладан жазонинг муқобил турлари ҳамда жамоат таъсир чоралари етарли даражада қўлланилмаётган ва кутилган самарани бермаётганлиги, шунингдек 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида «жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, кибержиноятчиликнинг олдини олиш тизимини яратиш жиноятчиликнинг олдини олиш тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган»<sup>3</sup>лиги мазкур соҳани тадқиқ этиш зарурати мавжудлигидан далолат бермоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги (2017), «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2016), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021) Фармонлари, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018), «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги (2018), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2018), «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021) Қарорлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши бўйича бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш масалалари республикамизда Й.М.Каракетов, М.Ҳ.Рустамбаев, Қ.Р.Абдурасулова,

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>

З.С.Зарипов, М.С.Зарипов, М.Усмоналиев, И.Исмаилов, Б.Д.Ахраров, Р.А.Зуфаров, Р.Кабулов, С.Ниёзова, Қ.Пайзуллаев, Ф.Тахиров, Г.Шарипова, М.Ўрозалиев, Г.У.Ахмедова, Н.Салаев, С.Б.Хўжақулов, Н.А.Сафаров, Ш.Р.Ғофуров, У.Р.Низамединходжаев, Г.Б.Нурмухаммедова ва бошқалар тадқиқ этган.

МДХга аъзо давлатларда жинойтчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш масалалари Э.Абовян, Р.Абызов, Е.Алауханов, А.Варданян, А.Васильев, Ю.Джахбаров, И.Лиманская, Л.Сердюк, Д.Шестаков, Н.А.Лопашенко, В.Н.Кудрявцев, Е.Б.Кургузкина, А.Г.Лекарь, С.В.Максимов, Р.А.Махарамов, В.А.Мишота, М.В.Молчанова, В.И.Морозов, Л.В.Павлова, М.В.Переверзев, О.А.Петрянина ва бошқалар<sup>4</sup> томонидан ўрганилган.

Хорижий олимлардан Anne-Marie Kilday (Анна-Марий Килдай), Frank E. Vogel (Франк Вогел), Karolina Kremens (Каролина Кременс), Elaine Koren (Элаине Корен), Manuel Medina Guerrero (Мануэл Медина Гуэрреро), Yvonne Daly (Эвонне Дали), Anna Pivaty (Анна Пивати), G. Bekker (Ж.Беккер), В. Trevor (Б.Тревор), R. Klerk (Р.Клерк), F. Markus (Ф.Маркус) ва D. Rozenbaum (Д.Розенбаум) ва бошқаларнинг илмий ишлари жинойтчиликни олдини олишнинг айрим жиҳатларига бағишланган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, айнан жинойтчиликни олдини олишнинг шакл ва усулларини такомиллаштиришга оид алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Жинойтчиликка қарши курашиш, жинойтларни профилактика қилиш ва унинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистон Республикасида жинойтчиликнинг олдини олиш ҳамда унинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш, бу борадаги фаолиятни янада яхшилаш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ижтимоий ҳодиса сифатида жинойтчилик тушунчаси ва уни олдини олишнинг ижтимоий заруратини ўрганиш;

жинойтчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллариининг назарий-ҳуқуқий тавсифини ўрганиш;

жинойтчиликнинг олдини олиш тизимининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш;

жинойтчиликнинг олдини олишнинг шакллари ва усуллариини ваколатли органлар томонидан қўлланилиши хусусиятларини ёритиш;

Ўзбекистонда жинойтчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммоларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида жинойтчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллариини такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

---

<sup>4</sup> Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари қўллаш бўйича айрим хорижий давлатлар қонунчилиги ва амалиётини қиёсий таҳлил қилиш;

жиноятчиликни олдини олишга оид қонунчиликни такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари ҳамда уларни такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари ҳамда уларни такомиллаштириш билан боғлиқ илмий ва амалий муаммоларнинг назарий таҳлили, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг жиноятчиликни олдини олиш соҳасидаги қонунчилиги, ўрганилаётган муаммога доир илмий ишлар, шунингдек жиноятчиликни олдини олиш амалиётидан иборатдир.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот ишини ёзишда умумий илмий услублар: функционал ёндашув, мантиқийлик, тизимлилик, тарихий, қиёсий-ҳуқуқий, статистик, социологик сўровлар ўтказиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кибержиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш, шунингдек киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш каби вазифалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг мажбуриятлари сифатида белгиланиши лозимлиги асосланган;

жиноят камайишига эришилмаган маҳаллаларда уйма-уй юриб, профилактик ҳисобда турган шахслар, нотинч оилалар ва уюлмаган ёшлар билан профилактик ишлар тизимли олиб борилишини таъминлаш лозимлиги, хусусан ҳар бир ҳудуднинг хусусиятидан келиб чиқиб сектор раҳбарлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасалар билан биргаликда жиноят сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилиши лозимлиги асосланган;

транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида ифодаланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар МЖТК билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларни жиддий бузишини инобатга олиб, бундай ҳуқуқбузарликларнинг кам аҳамиятли қилмиш, деб топилиши мумкин эмаслиги асосланган;

муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланиши лозимлиги асосланган;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига

мухтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг худудий бўлинмаларини хабардор қилиши лозимлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилар иборат:

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига янги 21<sup>1</sup>-модда (Оммавий ахборот воситаларининг хуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки) ни киритиш зарурати асосланган ва лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунига янги таҳрирдаги 2<sup>1</sup>-боб (Хуқуқбузарликларга қарши курашиш соҳасида хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш)ни киритиш лозимлиги асосланган;

«Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш Стратегияси» лойиҳаси ишлаб чиқилган;

жиноятчиликка қарши курашиш бўйича илмий тадқиқотлар сони, сифати ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур соҳада илмий-тадқиқотлар олиб бориш учун докторантура дастурлари учун қабул квоталари сонини камида беш бараварга, шу жумладан жиноятчиликни олдини олиш ва уларни профилактика қилиш соҳасига ажратиладиган ўринлар сонини ошириш зарурати асосланган;

жиноятчилик ҳолати юзасидан очиқ маълумотлар базасини кенгайтириш, жумладан содир этилган жиноятлар бўйича барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи e-criminalstat порталини ишга тушириш кераклиги исботланган;

«102 тезкор чақирув хизмати» фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, чақирувнинг телефон кўнғироғидан бошқа муқобил вариантларини қўллаш амалиётини жорий этиш зарурати асосланган;

ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган хуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишга мўлжалланган мобил иловалар тайёрлаш ҳамда уларни бепул юклаб олинадиган шаклда Интернет тармоғи (Google Play, App Store)га жойлаштириш зарурати асосланган;

жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни янада кенгроқ жорий этиш, хусусан кўчалар ва бошқа жамоат жойларида ўрнатиб келинаётган видео кузатув тизимларини барча хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро интеграция қилишни назарда тутувчи дастурий таъминот (ягона электрон маълумотлар базаси) ни яратиш чораларини кўриш лозимлиги асосланган;

жиноятчиликка қарши курашишга масъул идоралар буюртмалари асосида жиноятлар сабаблари, жиноятчи шахсии, криминоген вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг замонавий услубиётини яратиш каби долзарб масалалар бўйича илмий тадқиқот амалга ошириш учун давлат буюртмаларини бериш амалиётини жорий этиш зарурати асосланган;

фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларнинг электрон реестрини шакллантириш ҳамда уни мунтазам янгилаб бориш, жисмоний ва юридик шахслар томонидан очиқ маълумотлар базасидан фойдаланиш имконияти мавжуд тизимни жорий этиш зарурати асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари халқаро



ҳуқуқ ва миллий қонун нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиётига асосланган. Бундан ташқари, ҳулосалар, 300дан ортиқ ички ишлар органлари терговчилари ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров ва тадқиқотлар, статистик маълумотлар ва 100 га яқин суд ҳукмларининг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Ҳулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган демократик мамлакатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилган. Тадқиқотнинг илмий натижалари Республика ва халқаро миқёсидаги илмий-амалий конференция ва семинарларда апробациядан ўтказилиб, Республика ва халқаро миқёсидаги илмий нашрларида эълон қилинган. Тадқиқотнинг илмий ва амалий натижаларидан Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштиришда фойдаланилганлиги ваколатли органлар томонидан тақдим этилган маълумотномалар билан изоҳлаш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, мазкур тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган қоидалар криминология фани назариясининг ривожланишига хизмат қилади. Илмий изланишлар асосида ишлаб чиқилган ҳулосалардан, илмий тадқиқот ишларини олиб боришда, юридик олий таълим муассасаларида «Криминология» фанидан дарс машғулотларини олиб бориш ҳамда услубий қўлланма ва тавсиялар тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мамлакатимизда жиноятчиликнинг олдини олиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланади. Тадқиқот натижаларидан жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларини ишлаб чиқиш амалиётида ҳам фойдаланилиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари ҳамда уларни такомиллаштириш масалаларини тадқиқ этишнинг илмий натижалари асосида:

кибержиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш, шунингдек киберхавфсизликка таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўриш каби вазифалар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг мажбуриятлари сифатида белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги таклифдан 2022 йил 15 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонунининг 13-модда (Ваколатли давлат органининг мажбурияти)си биринчи қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2023 йил 6 февралдаги 06-13/9-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар кибержиноятларни олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча зарур чораларни кўриш, уларнинг содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш вазифалари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик

хизматининг мажбурияти сифатида белгиланишига ҳамда шу орқали мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни аниқлаштиришга хизмат қилган;

жиноят камайишига эришилмаган маҳаллаларда уйма-уй юриб, профилактик ҳисобида турган шахслар, нотинч оилалар ва уюлмаган ёшлар билан профилактик ишлар тизимли олиб борилишини таъминлаш лозимлиги, хусусан ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослигидан келиб чиқиб сектор раҳбарлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ҳамда муассасалар билан биргаликда жиноятчилик сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиш тартиби жорий этилиши лозим»лигига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябрдаги «Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорининг 1-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 26 декабрдаги 33/01-02/2656-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалалари «маҳаллабай» усулда амалга оширилишига хизмат қилган;

транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида ифодаланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар объектив томонини ташкил этувчи ҳаракатлар МЖТК билан қўриқланадиган жамоат муносабатларини жиддий бузишини инобатга олиб, бундай ҳуқуқбузарликларнинг кам аҳамиятли қилмиш, деб топилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2021 йил 10 июндаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорининг 16-банди учинчи хатбошисида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2023 йил 28 ноябрдаги ПЛ-67-19–сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши суд амалиётида транспорт воситаларини маст ҳолда бошқариш ҳамда транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахсларнинг бундай воситаларни бошқаришида ифодаланадиган маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ қилмишларга тўғри ҳуқуқий баҳо беришга, адолатли жазо тайинланишига хизмат қилган;

муқаддам судланган ва пробация ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш ҳамда ички ишлар органларининг тунги хизматини ташкил этиш вилоят, туман ва шаҳар ички ишлар органлари бошлиқларининг ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланиши лозимлиги тўғрисидаги таклифлар 2021 йил 26 мартда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6196-

сон Фармони олтинчи бандининг саккизинчи хатбошисида ўз аксини топган. (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Қонунийлик ва ҳуқуқий-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасининг 2023 йил 28 декабрдаги 27/67-19–сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши муқаддам судланган ва пробація ҳисобига олинган шахслар билан ишлаш орқали жинойтчиликнинг олдини олишга хизмат қилган.

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлигини ва унинг ҳудудий бўлинмаларини хабардор қилиши лозимлигига оид таклифлардан Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунини 6-моддасини тўққизинчи хатбоши билан тўлдиришни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 январдаги ЎРҚ–747-сон Қонунининг 1-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Кўмитасининг 2023 йил 21 февралдаги 04/10-10-22-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қабул қилиниши вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолган ҳамда давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилалар аниқланганда уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини манзилли ҳимоя қилинишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, жумладан, 9 та илмий мақола (шундан 2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асослантирилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг I-боби «**Жинойтчилик ва уни олдини олишнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланиб, ушбу бобдаги учта параграфда жинойтчилик тушунчаси ва уни олдини олишнинг ижтимоий зарурати ва моҳияти,

жиноятчиликни олдини олиш шакл ва усулларининг назарий-методологик асослари ўрганилган. Ушбу жараёнларни тадқиқ этиш юзасидан илмий ёндашувлар тавсифлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга оид қонунчилик асослари ва назарий манбалар таҳлил этилган.

Ушбу бобнинг «Ижтимоий ҳодиса сифатида жиноятчилик тушунчаси ва уни олдини олишнинг ижтимоий зарурати» деб номланган биринчи параграфи жиноятчилик тушунчаси ва унинг моҳиятига доир турли қарашлар ҳамда унга берилган таърифларнинг моҳиятини очиқ беришга бағишланган.

Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш давлатлараро ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ва унга қарши биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Мазкур ҳамкорликни амалга ошириш нафақат жиноятчиликка қарши курашиш халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини келишиш, балки ушбу фаолиятнинг стратегиясини ҳам белгилаб олиш лозим. Бунда унинг турли даражаларда, яъни жаҳон миқёсида (БМТ, унинг тузилмавий органлари ва ташкилотлари доирасида), минтақавий миқёсида (Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти), миллий миқёсида (алоҳида давлатлар доирасида) ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят учун жазолагандан кўра, унинг олди олиниши маъқуллиги умум эътироф этилган. Бу ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган «жиноятчиликнинг олдини олиш», «профилактика қилиш», «огоҳлантириш», «тўхтатиш», «барҳам бериш» каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки турли хил норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Кенг маънода жиноятлар профилактикаси муайян жиноятларга йўл қўймаслик, жамиятнинг муайян аъзоларини ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туриш демакдир. Бошқача айтганда, ҳуқуқ, шу жумладан жиноят ҳуқуқи (жиноят қонунчилиги) нормаларининг бузилишига йўл қўймасликдан иборат фаолиятдир. Шу маънода жиноятлар профилактикаси мазмунига ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам киради. Тор маънода эса, жиноятлар профилактикаси деганда, биринчидан, жиноятларнинг сабабларини, уларга имконият берувчи ҳолатлар ва шарт-шароитни аниқлаш бўйича фаолиятни; иккинчидан, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур огоҳлантириш тадбирларини ўтказиш фаолияти тушунилиши лозим. Юқоридаги ҳар икки тушунча умумлашган ҳолда «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» тушунчасини вужудга келтиради. Шунингдек, жиноятларнинг олдини олиш чоралари қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши ва уларнинг моҳияти юзасидан тушунтиришлар берилган: 1) умумий профилактика чора-тадбирлари; 2) махсус профилактика чора-тадбирлари; 3) индивидуал профилактика чора-тадбирлари, шу жумладан жинсий жавобгарлик ва жазо чоралари.

Биринчи бобнинг «*Жиноятчиликнинг олдини олишга доир қарашлар унинг шакллари ва усулларининг назарий-ҳуқуқий тавсифи*» деб номланган иккинчи параграфда турли назариялар ва уларнинг моҳияти, шунингдек жиноятчиликни олдини олишнинг шакл ва усуллари ўрганилган ҳамда илмий назарий хулосалар қилинган.

Жиноятчиликнинг олдини олишга доир қуйидаги бир қатор назариялар ўрганилган, хусусан, ижтимоий ўрганиш назарияси, умумий босим назарияси, ижтимоий назорат назарияси, умумий жиноят назарияси ёки ўзини назорат қилиш назарияси, ижтимоий бузғунчилик назарияси, мунтазам фаолият назарияси.

Мамлакатимизда нисбатан кўп содир этилаётган алоҳида тоифадаги жиноятларнинг олдин олиш бўйича қуйидагиларга, яъни тадбиркорлик соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, фирибгарликнинг олдини олиш, шахсга қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни олдини олиш, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш, экология соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, оиладаги жиноятларнинг олдини олиш, рецидив жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор берилган.

Жиноятларни очиш даражасини ошириш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, суриштирув, тергов ҳамда ишни судда кўриш муддатларини камайтириш, гаров ҳамда яшаш жойини тарк этмаслик ҳақида тилхат олиш каби чораларни кенг қўллаш, турли сансалорликка ва асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига барҳам бериш, каби чораларнинг харажатларни камайтириш чора-тадбирлари сифатида қаралиши ва шу жумладан, жиноятчиликка қарши курашиш харажатларини қисқартириш билан боғланиши лозим. Шунини таъкидлаш лозимки, жазодан озод қилинганларнинг ижтимоий мослашуви муаммосини ички ишлар органларининг куч-ғайрати билангина ечиб бўлмайди; бундан жамият ва умуман давлат манфаатдор бўлиши керак. Бунда жазодан озод қилинган шахсларнинг жамиятга мослашув жараёнини таъминлаш бўйича янгича ёндашув сифатида айрим тоифадаги шахсларга нисбатан ижтимоий мослашув марказлари орқали патронат, яъни ижтимоий назорат шаклини ташкил этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки у жамоатчилик кузатуvidан қаттиқроқ, бироқ маъмурий назоратдан сезиларли даражада юмшоқроқдир.

Тадқиқотнинг иккинчи боби «**Ўзбекистонда жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланиб, унда мамлакатимизда жиноятчиликни олдини олиш билан боғлиқ қонунчилик ва амалиёт масалалари, ваколатли давлат органларининг бу борада тутган ўрни ва вазифалари тадқиқ этилган.

Ушбу бобнинг «*Жиноятчиликни олдини олиш тизимининг бугунги ҳолати таҳлили*»га бағишланган биринчи параграфида икки палатали парламент шаротида мудофаа ва хавфсизлик масалаларини қай йўсинда кўриб чиқилиши, миллий хавфсизлик соҳасига масъул бўлган парламент тузилмалари бўйича сўз юритилган.

Бир неча ўн йиллар давомида вужудга келган жиноятчиликнинг олдини олиш тизими, авваламбор, уни амалга оширишнинг иродавий усулларига, турли жамоат ташкилотлари, касаба уюшмалари, партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар зиммасига юклатилган, бир хил таъсир кўрсатиш механизмидан фойдаланишга асосланган бўлиб, қатъий (шу жумладан мавқуравий қарашлар билан) белгиланган мақсадларга йўналтирилган. Мазкур профилактика чора-тадбирлари тизимида расмий ва юзаки ёндашув олдиндан белгилаб қўйилган эди.

Жиноятларнинг олдини олиш (профилактикаси) концепциясини яратиш муаммоси мунозарали ҳисобланади. Умуман олганда, жиноятчиликнинг олдини олиш чоралар мажмуаси ёки тизими сифатида кўриб чиқилиши мумкин эмас, чунки унинг олдини олиш динамик жараён ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида республикамизда жиноят-ҳуқуқий воситалар билан оилани, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаёти олий кадрият эканлигини кафолатлаш юзасидан туб ислоҳотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, «оила» институтининг конституциявий норма сифатида қайд этилганлиги боис жиноят қонунчилигида оилага қарши жиноятлар сифатида алоҳида қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Жиноятчиликка қарши курашиш чора-тадбирлари кўпчилик ҳолатларда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни ошириш ишларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар ҳуқуқий тарбияни оширишга хизмат қилади. Ҳуқуқий маданият ижтимоий ҳавфли хулқ-атворнинг шаклланишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган муҳим омилдир.

Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислоҳотларнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида белгилаб олинган.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ўз ичига қуйидагиларни қамраб олган тизимдир:

- 1) профилактика объектлари;
- 2) профилактика предметлари;
- 3) жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари.

Иккинчи бобнинг *«Ваколатли органлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усуллари»* қўлланилиши хусусиятлари» деб номланган иккинчи параграфда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар (ички ишлар органлари, прокуратура органлари, Давлат хавфсизлик хизмати органлари, Миллий гвардия органлари, адлия органлари в.б.)нинг бу борадаги вазифа ва мажбуриятлари, профилактикани амалга ошириш усул ва йўллари хусусида таҳлиллар қилинган, бу йўналишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тақлифлар шакллантирилган.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш субъектлари орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муҳим ўрин тутиб, улар томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини давр талаби асосида ташкил этиш, унинг асосий вазифа ҳамда функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш, шунингдек жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда уларнинг родини кучайтириш бу борадаги тизимли ишларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлди.

Таъкидлаш ўринлики, адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олишнинг умумижтимоий ва махсус чоралари фарқланади. Афсуски, жамият аъзолари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик профилактикаси фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳоланиши ва бу борадаги ташаббускорликнинг етишмаслиги соҳада амалга оширилаётган ишлар сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, тадқиқот доирасида ўтказилган сўровноманинг *«Сиз яшаб/ишлаб турган ҳудуд/маҳаллада жамоатчилик вакиллари/ҳудудда истиқомат қилувчилар жиноятчиликни олдини олишда сизга/профилактика инспекторларига қўмаклашадими/ қўмаклашасизми?»* деган мазмундаги саволга иштирокчиларнинг 46,4 фоизи ушбу фикрни тасдиқлаганлигини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари, аксарият респондентлар

(76 фоиз) сўровнома натижаларига кўра, жиноятчиликка қарши курашишни такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини юқори баҳолаб, бу соҳада шаффофликни таъминлашга, жиноят ҳақидаги маълумотларни алмашишга, жамоатчилик билан алоқаларни тўғри йўлга қўйишга ёрдам беришини эътироф этишган.

Респондентлар орасида журналистлар ҳам борлигини инобатга оладиган бўлсак, уларни бугунги кунда турли хил таъқиблар ва фаолиятга тўсқинлик қилиш ҳолатларида ҳимоя қилиш механизмини яратиш заруратининг нақадар долзарблиги аён бўлмоқда.

Худди шу нуқтаи назардан айрим ҳолларда жиноятчиликни олдини олишнинг махсус чораларидан бири сифатида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига ажратиладиган бюджет маблағлари миқдорини ошириш таклифи асосланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида<sup>5</sup>»ги қарори билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишидаги ишлар янги босқичга олиб чиқилди. Хусусан, мазкур қарор билан ўз таркибида профилактика инспекторларини ҳам қамраб олган «маҳалла еттилиги» ташкил этилди. Юқоридаги қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича «Йўл харитаси»да маҳалларда содир этиладиган жиноятларнинг олдини асосий вазифалар қаторига киритилди. Бироқ бу борада қилинадиган ишлар талайгина, ўрганилган ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этган шахсларни рағбатлантириш тизими шакллантирилмаган. Шунингдек, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар берган шахсларнинг қонунга итоаткор фуқаро сифатида эмас, балки жамият аъзоларига зарар етказаётган шахс сифатида талқин қилиниши, айрим ижтимоий фаол фуқаролар (депутатлар, диний уламолар ва бошқ.) томонидан жамоавий изза қилиниши мамлакатимизда мазкур институтларнинг ривожига тўсиқ бўлмоқда. Шунинингдек, инобатга олган ҳолда тадқиқот ишида рағбатлантириш билан боғлиқ ғоялар, хусусан жиноятчиликнинг олдини олишга фаол кўмаклашаётган аҳоли вакиллари моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш зарурати асосланган.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган мавжуд 20 дан ортиқ қонун ҳужжатларининг тарқоқ ҳолда эканлиги масъул органларнинг ўзаро бир-бирини такрорловчи функция ва вазифаларни амалга оширишига, иш самарадорлиги ортишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мазкур масаланинг ечими сифатида «Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш Стратегияси»ни қабул қилиш ва у асосида соҳадаги қонунчиликни кодификация қилиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «**Жиноятчиликнинг олдини олиш**

---

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси фаолиятини йўлга қўйиш ва маҳаллаларда бошқарув тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-402-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6705734>

**шакллари ва усулларини такомиллаштириш истиқболлар»** деб номланади. Мазкур бобнинг «*Жинойтчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини қўллаш бўйича айрим хорижий давлатлар тажрибаси таҳлили*» номли биринчи параграфиди тадқиқот йўналиши ва мавзуси доирасидаги айрим хорижий давлатлар амалиёти, қонунчилик нормалари таҳлили ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ жиҳатлар таҳлил қилинган.

Жинойтчиликка қарши курашишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш мавжуд миллий тажрибага уларни имплементация қилиш орқали жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлигининг ортишига хизмат қилади. Хусусан, жамоатчилик назорати имкониятларидан фойдаланишни янада кенгайтиришда ифодаланган ижобий хорижий тажрибанинг жамиятимиз ҳаётининг кўплаб жабҳаларида қўлланилишига эришиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига нафақат салмоқли кўмак беради, балки жинойтчиликнинг олдини олиш бўйича умумий фаолият самарадорлигини оширишга бекиёс ҳисса қўшади.

Бугунги кунда хорижий давлатлар тажрибада энг замонавий технологиялар қўлланилаётганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Канадада «Cityprotect» дастури орқали жинойт ҳақидаги ҳар бир мурожаатни онлайн кузатиш, унинг натижасидан онлайн хабардор бўлиб туриш, жинойт содир этилган «қайноқ нуқталар» тўғрисидаги маълумотларни мунтазам жойлаштириш тизими йўлга қўйилган. Грузияда полиция хизматини ислоҳ қилиш жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари самарали жорий этиш мақсадида ИИВнинг Сервис агентлиги ташкил этилган бўлиб, унинг техник кўмаги асосида патруль хизмати ходимлари ва транспорт воситалари GPS-қурилмалари билан таъминланган. Россия Федерациясида «Мобиль инспектор» дастурий таъминоти жорий қилинган бўлиб, мазкур дастур орқали онлайн режимда хабар юбориш, айна вақтда ходим хизмат ўтаётган жойни аниқлаш мумкин.

Тадқиқот давомида пандемия даврида эълон қилинган карантин оиладаги зўравонликлар сонининг ортишига сабаб бўлгани аниқланди. Бутун дунёда, хусусан мамлакатимизда ҳам оилавий-маиший зўравонлик ҳолатлари пандемия даврида бир неча бараварга ошди. Бунинг сабаби сифатида:

– жабрланувчининг агрессор билан биргаликда 24 соат давомида бирга бўлиши;

– агрессор томонидан жабрланувчини доимий назорат остида бўлганлиги сабабли, тегишли ташкилот ва идораларга зўрлик ҳолати бўйича хабар бера олмаганлиги;

– жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш бўйича махсус марказларнинг кўпчилиги коронавирус туфайли жабрланувчиларни қабул қилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Баъзи давлатларда карантин оқибатида оилавий зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича қуйидаги чоралар қўлланилган:

Францияда карантин сабабли бундай жинойтларнинг 35%га ошганлиги маълум қилинган. Франция ҳукумати томонидан хотин-қизлардан зўравонлик ҳақида аптекаларга мурожаат этишлари сўралган. Мамлакат бўйича озиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган дўконларда 20 та зўравонлик ҳолатларида ёрдам кўрсатувчи маслаҳат марказлари очилган. Шунингдек, ҳукумат оилавий зўравонликка қарши кураш учун 1 млн евро маблағ ажратган. Жабрланувчилар



меҳмонхоналарда яшаши учун меҳмонхона харажатларини қоплаб берилиши билдирган. Жабрланганлар томонидан тезкор хабар юборилиши учун мўлжалланган алоҳида SMS-хизмати ташкил этилган. Италия ҳукумати томонидан жабрланганларга ёрдам берувчи «YouPol» мобиль дастури жорий этилди. Мазкур дастур жабрланганларга қўнғироқсиз ёрдам беришга мўлжалланган<sup>6</sup>. Канада парламенти мамлакатдаги барча шелтерлар учун 200 млн АҚШ доллари ажратган. Пандемия даврида зўрликдан ва бошқа жиноятлардан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш учун Онтариода 2,7 млн АҚШ доллари ажратилган<sup>7</sup>. Буюк Британия ҳукумати жабрланган ва эҳтиёжмандларга 1,6 млрд фунт стерлинг ажратган. Буюк Британия Ички ишлар вазирлиги Twitter ижтимоий тармоғида #YouAreNotAlone хештеги билан зўравонликдан жабрланганларни қўллаб-қувватлаш бўйича кампания эълон қилинган. Испанияда ҳукумат WhatsApp ижтимоий тармоғида жабрланганларни қўллаб-қувватлаш сервисини ишга туширган. Гендер тенглик вазирининг маълум қилишича мазкур сервис ишга тушгандан сўнг мурожаатлар сони 270%га ошган<sup>8</sup>.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кенг жамоатчиликни жалб этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш дунёдаги кўпчилик давлатлар, хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия ва Австралияда кузатилади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун «Neighborhood watch (Қўшнининг кузатуви)», «Crimestoppers (жиноятни тўхтатувчилар)», «Crimeprevention through environment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар))», «Safety City (Хавфсиз шаҳар)» каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали тадбиқ этиб келинмоқда.

Республикамизда шунга ўхшаш дастурлардан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг «Хавфсиз шаҳар» аппарат-дастурий комплекси ишлаб чиқилиб, унинг имкониятларидан Тошкент шаҳрида кенг фойдаланишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, «102 тезкор чақирув хизмати» фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, чақирувнинг муқобил вариантларини қўллаш, хорижий тажриба асосида «Қўшни назорати» тизимини жорий қилиш бунда оиладаги зўравонликка қарши курашиш ва унинг профилактикасини амалга оширишга фаол кўмаклашаётган аҳоли вакилларини моддий-маънавий рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Учинчи бобнинг «Ўзбекистон Республикасида жиноятчиликнинг олдини олиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш йўналишлари» деб номланган иккинчи параграфда тадқиқот мавзуси доирасида аниқланган амалиётни такомиллаштириш, хусусан муаммоларнинг моҳиятини чуқур англаб, халқаро ижобий амалиётдан кенг фойдаланган ҳолда ислоҳотлар ўтказиш масаласи ўрганилган.

Масалани ҳар томонлама ва чуқур ўрганишда мавжуд статистик маълумотларни тўғри ва аниқ шакллантириш билан боғлиқ. Маълумки, бугунги кундаги мавжуд статистикани шакллантириш мезонлари объектив ҳолатни қамраб

<sup>6</sup> Руководство. Мониторинг мест лишения свободы в период пандемии COVID-19. <https://www.osce.org/files/f/documents/b/e/477706.pdf>

<sup>7</sup> Забелина Т.Ю., Исраелян Е.В., Шведова Н.А. Канада и проблема насилия в семье: двадцать лет борьбы. <http://www.owl.ru/win/research/kanada.htm>

<sup>8</sup> С.Ахмедов “Оиладаги зўравонликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари” мавзусида ёзилган илмий иш. Т. Бош прокуратура Академияси, 2022 й.

олмайди. Жорий амалиёт 1972 йилда БМТ томонидан жиноятчилик ҳолати ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш тўғрисидаги мурожаатидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бугунги кундаги статистик карточкалар ва статистик кўрсаткичлар мезонлари (умумий жиноятчилик, алоҳида жиноятлар тури, жиноятчи шахслар тоифаси ва бошқ.) собиқ иттифоқ (1970) пайтидан бери юритилади. Бироқ, жиноят-ҳуқуқий статистика динамикасига асосланган ички ишлар органлари фаолиятини баҳолаш тизими бугунги кун талабларига жавоб бермайди. Ички ишлар органлари томонидан юритиладиган жиноятчилик ҳолати бўйича статистик маълумотлар билан ҳар бир фуқаронинг танишиш, шунингдек уларни онлайн режимда кузатиш имконияти яратилмаган.

Таълим жараёни ва илм-фаннинг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида:

- жиноят-ҳуқуқий статистика билан танишиш тартибини соддалаштириш;
- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолати юзасидан очик маълумотлар базасини кенгайтириш, жумладан содир этилган жиноятлар бўйича барча маълумотларни ўзида акс эттирувчи e-criminalstat порталини ишга тушириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. Бунда жиноятчилик ҳолати, унинг барча криминологик жиҳатлари, яъни жиноятлар сони, тури, динамикаси, жиноят содир этган шахсга оид маълумотлар (жинси, ёши, касби ва б.), ҳудудлар, яъни «Республика-вилоят-туман-шаҳар-маҳалла» кесимида тақдим этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шу жиҳатдан жиноятчиликнинг олдини олишда фаол иштирок этиб, фуқаролик бурчини бажарган шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этганлиги туфайли содир этилиши мумкин бўлган турли тазйиқларнинг олдини олиш, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ўзбошимчалик билан жазолаш, кибербуллинг (ижтимоий тармоқлар орқали зўравонлик қилиш) ҳолатларига барҳам беришнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда фаол иштирок этганларни моддий рағбатлантириш, «Ҳуқуқбузарликка қарши кураш аълочиси» кўкрак нишонини таъсис этиш бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда кенг жамоатчилик вакилларини қамраб олиш ҳамда уларни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Ушбу бобнинг «Ўзбекистонда жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини оширишнинг долзарб муаммолари» деб номланган учинчи параграфда жиноятчиликнинг олдини олиш самарадорлигини ошириш борасида қонунчилик нормалари ва амалиёт масалалари ҳамда муаммолар таҳлил қилинган.

Бироқ, жиноятчиликка қарши курашишда академик соҳа вакилларининг ўрни ва уларнинг илмий, амалий ҳамда инновацион таклифлари сезилмаётир. Назаримизда бунинг сабаби қуйидагиларда намоён бўлмоқда.

Биринчидан, у ёки бу турдаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига бағишланган илмий тадқиқот натижалари илмий доиралардан четга чиқмаяпти. Бунинг боиси, бизнингча, ишнинг академик услубда ёзилганлиги, тадқиқот доирасида чоп этилган мақолалар кам ададдаги илмий журналларда чоп этилиши, шунингдек уларнинг халқона услубда баён этилмаслиги билан боғлиқдир.

Иккинчидан, илмий-амалий грант ва фундаментал лойиҳаларнинг фақатгина «Криминология», қисман «Жиноят ҳуқуқи» фани назарияси доирасида

ўтказилишининг етарли эмаслиги;

Учинчидан, жиноятчиликка қарши курашишда соҳалараро, фанлараро тадқиқот олиб борилмаслиги, бундай ёндашувнинг шаклланмаганлиги, аксинча ўтказилаётган тадқиқотлар муайян шифр доирасидан четга чиқишига йўл қўйилмаслиги;

Тўртинчидан, ваколатли давлат органлари, нодавлат ташкилотлар томонидан муайян турдаги жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган буюртмаларнинг мавжуд эмаслиги;

